
АҲОЛИГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЯХШИЛАНМОҚДА

????Айни пайтда Риштон туманида бошқа соҳалар қатори коммунал хизмат кўрсатиш, хусусан, электр энергияси етказиб бериш тизимида ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. ????Риштон туман электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимлари томонидан истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз электр энергиясини етказиб бериш ҳамда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида туманимиз ҳудудларида амалий ишлар олиб борилмоқда.

????Аҳолига узлуксиз электр энергияси етказиб беришда электр тармоқларининг соз ҳолатда бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Буни яхши англаган соҳа ходимлари трансформатор пунктдан таъминланувчи паст кучланишли электр узатиш ҳаво тармоқларидаги эскириб яроқсиз ҳолга келган алюминий симларни янги замонавий СИП русумидаги кабель тармоқларига алмаштириш, ҳамда ушбу янги тармоққа истеъмолчиларни улаш, яъни якуний монтаж ишларини амалга оширмоқдалар.

Риштон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-08-06 10:54:53